

## THE EFFECTS OF MINERAL FERTILIZERS IN THE GROWING VARIETIES OF RIJK

**Uzakov Gulomjon Okbutaevich,**

Doctor of Philosophy (PhD) in Agricultural Science, Senior scientific researcher.

**Allaeva Dildor Xaitovna,**

PhD student

Southern Agricultural Research Institute.

Karshi – Beshkent yoli 3 km, Karshi 730000, Phone: (8 375) 228-00-18,

Fax: (8 375) 228-00-17, E-mail: [urugchilik@mail.ru](mailto:urugchilik@mail.ru)

**Abstract:** The article analyzes the influence of mineral fertilizers on the growth period of camelina varieties. An increase in the rate of application of phosphorus fertilizers for autumn varieties of camelina up to 30 kg/ha led to an extension of the growing season of plants by 2-3 days. An increase in the amount of nitrogen fertilization for every 30 kg/ha lengthens the growth period by 1-2 days. It was noted that an increase in the rate of potash fertilizers did not affect the period of plant growth.

**Key words:** Camelina, moisture, temperature, seeding rate, seeding time, seeds, plant, mineral fertilizers, nitrogen, phosphors, potassium, soil.

## РЫЖИК НАВЛАРИНИНГ ЎСУВ ДАВРИГА МИНЕРАЛ ЎЎИТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

**к/х.ф.ф.д. (PhD), катта илмий ходим Узақов Гуломжон Окбутаевич**  
**таянч докторант Аллаева Дилдор Хаитовна**  
**Жанубий дехқончилик илмий-тадқиқот институти**

**Аннотация:** Мақолада рыжик экини навларининг ўсув даврига минерал ўғитларнинг таъсири таҳлил қилинганда, кузги рыжик навларига фосфорли ўғитлар меъёрини ҳар 30 кг/га гача ошириб борилиши ўсимликлар ўсув даврининг 2-3 кунгача, азотли ўғитларни ҳар 30 кг/га гача ошириб борилиши ўсув даврининг 1-2 кунгача узайиб боришига таъсир кўрсатганлиги, калийли ўғитлар меъёрларининг ортиб бориши эса ўсимликларнинг ўсув даврига таъсир кўрсатмаганлиги қайд қилинди.

**Аннотация:** В статье проанализировано влияние минеральных удобрений на период роста сортов рыжика. Увеличение нормы внесения фосфорных удобрений под осенние сорта рыжика до 30 кг/га привело к удлинению вегетационного периода растений на 2-3 дня. Увеличение количества азотных удобрений на каждые 30 кг/га продлевает период роста на 1-2 дня. Отмечено, что увеличение нормы калийных удобрений не повлияло на период роста растений.

**Калит сўзлар:** рыжик, намлик, ҳарорат, экиш муддати, экиш меъёри, уруғ, ўсимлик, минерал ўғит, азот, фосфор, калий, тупроқ.

**Ключевые слова:** рыжик, влажность, температура, срок посева, норма высева, семена, растение, минеральные удобрения, азот, фосфор, калий, почва.

Қишлоқ хўжалик экинларига қўлланиладиган агротехник тадбирларнинг ҳеч бири уруғларни экиш вақтига қадар ҳосилдорликка таъсир қилмайди. Шунингдек, ҳар бир экинни экиш кунларини танлаш учун шаблон қабул қилиниши мумкин эмас, аммо ҳар қандай ҳолатда экиш муддатлари аниқланиши лозим. Экиш кунларини танлаш мавсумнинг ўзига хос шароитлари ва ўсимликнинг биологик хусусиятларидан келиб чиқади.

Ўсув даври - бу онтогенезнинг алоҳида босқичларини ўтиши учун зарур бўлган вақт оралиғининг йиғиндисидир. Ҳар бир босқичдан ўтиш тезлиги генотип ва атроф-муҳит шароитлари билан белгиланади: ҳарорат ва намлик.

Рыжик ўсимлигида фазалар сонининг ўтиши учун иссиқлик миқдорининг пасайиши, ҳарорат кўтарилгач, ушбу даврларда ўсимликларнинг ривожланиши тезлашиб бориши билан боғлиқ. Кунларнинг давомийлигининг пасайиши, кейинчалик экиш пайтида ўсимликлар ўртача кунлик юқори ҳароратларда ривожланиб бориши билан изоҳланади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, фенологик фазаларни ўтиши учун зарур бўлган иссиқлик миқдори камаяди.

Кузги рыжик нисбатан эрта пишадиган ўсимликлар гуруҳига мансуб. Унинг вегетация даври давомийлиги иқлим шароитига боғлиқ [7, 84-б.]. Қишги тиним даврини ҳисобга олган ҳолда ривожланиш цикли 291 - 320 кунни ташкил қилади. Унинг баҳорги-ёзги ривожланиши 77-91 кун ичида тугайди. Тўлиқ ривожланиш циклини тугатиш учун рыжик 1580 - 1790 градус ҳарорат йиғади ва бу жиҳатдан баҳорги арпа, зиғирга яқин ўсимлик ҳисобланади [1, 483-б].

Кузги рыжик совуққа жуда чидамли. Унинг уруғлари 1-2 °С ҳароратда униб чиқа бошлайди, аммо тўлиқ униб чиқиши учун 10-12 °С ҳарорат талаб қилади. Баъзи маълумотларга кўра ёш рыжик ўсимлиги кузги ва қишги совуқларга -20 °С гача чидайди [6].


Намликнинг етишмаслиги шароитида рыжик ўсиш даври 15 ва ундан кўп кунга қисқаради, бу ҳосилдорлик ва ёғ таркибининг пасайишига олиб келади [8, 93-б; 9, 180-б]. Бироқ, бошқа олимларнинг фикрига кўра, кузги рыжик, хантал ва зиғир билан таққослаганда, қурғоқчиликка чидамли ва натижада кўпроқ ҳосил беради [6].

Кузги рыжикнинг баҳорига нисбатан биологик хусусиятлари ҳақида гапирганда, унинг афзалликларига эътибор бермаслик мумкин эмас. Адабиёт маълумотларига кўра, кузги рыжик тупроқдаги биринчи максимал намликни ишлатади, баҳор-ёз қурғоқчилигига яхшироқ бардош беради ва натижада 10-13 кун олдин пишади. [3, 56-б; 4, 67-б; 6].

Я.Б.Абдуллина (2015) кузги рыжик коллекция намуналарини ўрганиш жараёнида метеорологик омилларнинг вегетация даври давомийлигига таъсири баҳоланиши бўйича таъкидлашча, вегетация даври ўсимликларнинг муҳим биологик хусусияти бўлиб, маълум бир минтақада экин етиштиришга яроқлилигини белгилайди ва ишлаб чиқариш учун ҳам, селекция учун ҳам катта қизиқиш уйғотади [2, 11-б].

Т.Я.Прахова, В.А.Праховларнинг (2015) таъкидлашча, кузги рыжик етиштириш шароити: иссиқлик етишмаслиги, ёғингарчилик меъёрдан юқори, ўртача кунлик юқори ҳарорат ва тупроқ-ҳаво қурғоқчилиги унинг вегетация муддатига сезиларли таъсир кўрсатади. Тадқиқотларда ўрганилган кузги рыжик навларида вегетация даври давомийлиги ўртача 290-316 кунни ташкил этган. Бундан ташқари, турли хил экотипларнинг намуналари эртапишарлиги билан ажралиб турди: Козыр, Пензяк (Марказий рус экотипи); к-1357 (Ғарбий Европа); к-3290 (Сибир экотипи); к-1553 ва к-2283 (Жанубий экотип) "униб чиқиш-пишиш" даври давомийлиги 290-305 кунни ташкил этган [5, 324-б].

Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида рыжик экини навларининг ўсув даврига минерал ўғитларнинг таъсири таҳлил қилинди. Олинган маълумотларга кўра кузги рыжикнинг Пензяк нави Карат навиға нисбатан 2-3 кунга кеч пишиши аниқланди (1-расм).



1-расм. Рыжик навларининг ўсув даврига минерал ўғитларнинг таъсири.

Кузги рыжик навларининг ўсув даври минерал ўғит қўлланилмаган вариантда Пензяк нави 229 кун ва Карат нави 226 кунни ташкил қилган бўлса, NPK бир хил 30 кг/га қўлланилганда навларга мос ҳолда 230-227 кун, 60 кг/га қўлланилганда 232-231 кунни ташкил этди.

Азот 30 кг/га меъёрида қўлланилиб, фосфор 30 кг/га дан оширилганда ўсимликларнинг ўсув даври 1 кунга ошди. Аксинча фосфор 30 кг/га дан қўлланилиб, азот 30 кг/га дан оширилганда ўсув даврида ўзгариш кузатилмади. Фосфорни 90 кг/га оширилганда кузги рыжик навлари энг узун (234) кунда пишиб етилиши қайд қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, кузги рыжик навларига фосфорли ўғитлар меъёрини ҳар 30 кг/га гача ошириб борилиши ўсимликлар ўсув даврининг 2-3 кунгача, азотли ўғитларни ҳар 30 кг/га гача ошириб борилиши эса ўсув даврининг 1-2 кунгача узайиб боришига таъсир кўрсатади. Калийли ўғитлар меъёрларининг ортиб бориши ўсимликларнинг ўсув даврига таъсир кўрсатмаганлиги қайд қилинди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рйхати:

1. Сельскохозяйственная энциклопедия. - М.: Советская энциклопедия, 1974.- С. 483.
2. Абдуллина, Я.Б. Рыжик масличный: биология, продуктивность, технология возделывания/Я.Б.Абдуллина, Р.Р.Гайфуллин//Аграрная наука в инновационном развитии АПК, 2015. — С. 11–20.
3. Мосолов, В.П. Возделывание масличных культур в восточных районах / В.П. Мосолов, Я.С. Левин. - М.: Сельхозгиз, 1943. - 56 с.
4. Мосолов, В.П. Масличные культуры Сибири / В.П. Мосолов, С.И. Большаков, Я.С. Левин. - Омск: Огиз, 1942. - 67 с.

5. Прахова, Т.Я. Агробиологическая характеристика коллекционных сортообразцов рыжика озимого / Т. Я. Прахова, В. А. Прахов. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2015. — № 21 (101). — С. 324-327.
6. Прахова, Т.Я. Влияние элементов технологии возделывания на продуктивность озимого рыжика в условиях лесостепи: дисс. канд. сельскохозяйств. наук: защищена
7. Прахова, Т.Я. Качественная характеристика маслосемян рыжика озимого / Т.Я. Прахова, О.Н. Зеленина // Нива Поволжья. - 2009. - №3. - С. 84-87.
8. Ряхова Д.К. Зимостойкость и продуктивность озимого рыжика // Сб. научных трудов института. - Уфа: Башкнигоиздат, 1963 —Вып. 1. - С. 93.
9. Синская, Е.Н. Масличные культуры в восточных районах СССР / Е.Н. Синская. - Краснодар: Советская Кубань, 1956. - 180 с.